

▼ Эртага – Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни

2025 йил:
Аграр тармоқда
рекордлар йили бўлди

Шу кунларда юртимизда Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни кенг нишонланмоқда. Бу байрам заҳматкаш деҳқонларимиз меҳнатига, эл-юртимиз ризқи бунёдкорларига бўлган юксак ҳурмат ва эътирофдир.

Зеро, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчи, халқимиз фаровонлигининг пойдевори, миллионлаб инсонлар тирикчилигининг манбаи ҳисобланади. Шу боис, аввало меҳнат майдонида сидқидилдан хизмат қилиб келаётган барча аграр соҳа фидойиларини, илмий-амалий ишлари билан соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаётган олимлар ва мутахассисларни, фахрий устозларимизни муборакбод этамиз.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

▼ Эътироф



Тошкент вилояти ҳокимлигида Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ соҳа фидойиларига давлатимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Давлатимизнинг юксак
мукофотлари топширилди

Тадбир аввалида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, барча қишлоқ хўжалиги фидойиларини байрам билан самимий табриклади. Вилоят раҳбари ўз нутқида қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутишини, айниқса, соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар, илмий ёндашувлар ва инновацион технологиялар натижасида ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг аграр соҳада самарали меҳнат қилаётган, илм-фан утуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиб, етиштирилаётган маҳсулот сифати ва ҳажмини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ фаолларга давлат мукофотлари тантана-

ли равишда топширилди. Бу эътироф уларнинг ҳалол меҳнати ва аҳолининг фаровон турмушига қўшаётган хизматлари учун берилган муносиб мукофот бўлди. Зеро, деҳқон ва фермерларимизнинг машаққатли меҳнати туфайли бозорларимизда барака, халқимиз дастурхонида эса тўкин-сочинлик ҳукм сурмоқда.

Тадбир сўнггида иштирокчилар байрамона куй-фийат билан эсдалик учун фотосуратларга тушишди.

Тошкент вилояти
ҳокимлиги Ахборот
хизмати

▼ Асал ярмаркаси

Пойтахтимиздаги “Анҳор” боғи ҳудудида 2-11 декабрь кунлари анъанавий “Асал байрами” – миллий асаларичилик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Эн
ширин
байрам

Бу галги ярмаркада фақат асал савдоси эмас, балки ҳақиқий байрам муҳити ҳукм сурди. Турли ҳудудлардан келган асаларичилар ўз меҳнатлари маҳсулини намойиш этидилар. Таширф буюрувчилар эса ҳар бир павильон олдида тўхтаб, турли хил асаллардан татиб кўриб, харид қилдилар. Тадбир давомида атрофни самимий суҳбатлар, миллий маданиятимизнинг ўзгача таровати чулғаб олди.

Маълумотларга кўра, жо-

рий йилда асаларичилик билан шуғулланувчи субъектлар сони 35 мингга етди. Бу 2024 йилга нисбатан 9 фоиз, 2017 йилга нисбатан эса икки ярим баробар кўп. Асалари оилалари 1,8 млн. донани ташкил этиб, асал етиштириш ҳажми 17 минг тоннага етди. Экспортда ҳам ижобий натижалар кузатилди: Россия, Қозғистон, Тожикистон ва Арманистонга асалари пакетлари экспорти 3, 26 млн. АҚШ долларига етди.

2

▼ Бунёдкорлик



Чирчиқ шаҳрида “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонлари асосида “Ёшлик” маҳалласи тўлиқ янгиланиб, қатор бунёдкорликлар амалга оширилди.

Фойдаланишга топшириш тадбирида Президент маслаҳатчиси ўринбосари П.Бобононов, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С.Файзиева, вилоят ҳокими ўринбосари Ш.Махмудов ҳамда шаҳар ҳокими М.Абдурахимовлар иштирок этишди.

ЯНГИ қиёфа,
қулайликлар

Илгари оғир тоифадаги маҳаллалар қаторида бўлган ушбу ҳудудда инфратузилма тубдан яхшиланди. Хусусан, 15 та кўп қаватли уйнинг фасад ва том қисми, ойна ромлари, кириш йўлаклари ҳамда ертўлалар мукамал таъмирланди. Уйларнинг кириш қисмига электрон кодли кулфлар ўрнатилди, деворлар эса миллий услубдаги расмлар билан безатилди.

Маҳаллада аҳоли ва ёшларга хизмат қиладиган замонавий кутубхона фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, иккита болалар ўйингоҳи ва спорт билан шуғулланиш учун “Workout” майдончаси барпо этилиб, зарур анжомлар, ўриндиқлар, дам олиш учун мўлжалланган жиҳозлар ўрнатилиб, аҳолига қулайликлар яратилди.

Ўз мухбиримиз



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига 2026 йил учун ОБУНА БЎЛИНГ!

Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри тахририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 205«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 207

Етказиб бериш хизмати ичида.


«Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳафтада икки маротаба – чоршанба ва шанба кунлари, «Ташкентская правда» газетаси эса жума кuni чоп этилади.

Обуна тахририятда, почта филиаллари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларда расмийлаштирилади.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35



2025 йил: Аграр тармоқда рекордлар йили бўлди



Албатта, сўнгги йилларда глобал клим ўзгариши, табиий офатлар, ер ва сув ресурслари тақчиллиги, халқаро миқёсдаги иқтисодий тебранишлар қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам жиддий синов ва қийинчиликлар юкламоқда.

Шунга қарамай, Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига бераётган имтиёз ва эътиборлари, илгор технологиялар ва илмий ёндашувлар тўғрисида юртимиз қишлоқ хўжалигида мисли кўрилмаган натижалар кўлга киритилмоқда.

Хусусан, яқунлаётган 2025 йил Тошкент вилоятида аграр соҳада бекиёс тажрибалар йили бўлди, десак янглишмаймиш. Ўз навбатида, эришилган улкан натижаларни ҳар қанча фахр ва мамнуният билан эътироф этсак арзийди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги сўнгги йилларда иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган, техник ва технологик жиҳатдан янгилашган суръати юқори бўлган соҳаларидан бирига айланган. Бу жараёнда Тошкент вилояти алоҳида ўрин тутди. Яқунлаётган йил вилоятимиз қишлоқ хўжалигида рекордлар йили бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

2025 йил натижалари ва 2026 йил учун белгиланган режалар шунини кўрсатмоқдаки, вилоятимиз ўз аграр салоҳияти ва имкониятларини фақат ҳажм жиҳатдан эмас, балки сифат ва экспортдошлик нуқтаи назаридан ҳам янги босқичга олиб чиқмоқда. 206 минг тонна пахта, 828 минг тонна дон етиштирилиб, 71 нафар фермер пахта ҳосилдорлигини 60, 100 дан зиёд фермер ғалла ҳосилдорлигини 100 центнердан оширгани "Тошкент модели" деб аташ мумкин бўлган интенсив агротехнологиянинг самарасидир.

Айтиш керакки, бу натижаларнинг ҳар бири ортида минглаб агрономлар, механизаторлар, сувчи ва мелиораторлар, лаборатория мутахассислари, фермерлар ва томирқачиларнинг фидокорона меҳнатлари муҳассас.

Вилоятда 4,1 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Хўжаликлар дала четларидан 55 минг тонна қўшимча маҳсулот етиштириб, бозорга чиқарди.

85 км. зовурларда 148 та тадбиркор томонидан 500 минг бош ўрдак боқиш йўлга қўйилди.

Бўстонлик, Қирбай, Тошкент, Куйи Чирчиқ, Паркент, Оҳангарон туманларида 65 гектарда голубика, 125 гектарда малина, 650 гектарда кулупнай етиштириш йўлга қўйилди. Ўшбу экинлардан даромад гектарига ўртача 30 мингдан 90 минг долларгача етди.

Сув тежовчи технологияларнинг жорий этилиши нафақат ресурсларни тежаш, балки ҳар гектардан олинадиган ҳосилни кўпайтиришда катта аҳамиятга эга.

Интенсив боғдорчилик ва тоқчилик ҳам катта силжишлар кузатилди: 2 минг 150 гектар янги боғ ва тоқзорлар барпо этилди. Илгор хорижий навлар, қўчатлар ва технологияларни жорий этиш натижасида бир гектардан олинаётган даромад 30–90 минг долларгача етди. Бу эса вилоятнинг барча туманларида интенсив боғдорчиликни янада кенгайтириш учун янги имкониятлар очмоқда.

Экспорт йўналишида ҳам жиддий ютуқлар бор. 11 ойда 210 млн. долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари хорижга етказиб берилди. Янгилашган агрологистика марказлари, совутичли омборхоналар ва қайта ишлаш корхоналарининг қуввати оширилди. Бу маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда вилоятимиз имкониятларини кенгайтди.

Тошкент вилояти мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрини бамисоли олтин ҳалқадек ўраб туради. Нафақат вилоятимиз, балки пойтахтимиз аҳ-

си, янги қўчатчилик ҳудудларини барпо қилиш, гулчиликни ривожлантириш, резавор экинлар учун махсус майдонлар ташкил этиш — буларнинг барчаси 2026 йилни янада баракали қилиш мақсадида режалаштирилган. Илгор мамлакатлар тажрибаларини жорий этиш, Голландия, Франция, Италия давлатларидан қўчат ва навлар олиб келиш давом этади.

Пахтачиликда ҳам янги босқич бошланади. 76х10 см. қўшқатор ва томчилятиб сугориш технологияларини кенгайтириш, Шинжон моделидаги интенсив агротехнологияларни жорий этиш, сугориш тизимини модернизация қилиш — келгуси йилда пахта ҳосилдорлигини жиддий оширади.

Президентимиз таклифи билан фер-

ярилади. Паррандачилик кластерлари йирик лойиҳаларни амалга оширади.

Сугориш ва мелиорацияда 25 минг гектардан ортиқ майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, каналлар реконструкция қилинади. "Ақлли сув" тизимлари ўрнатилиб, насос станциялари хусусий шерикликка ўтказилади. Коллектор-дренаж тармоқларини яхшилаш ҳисобига 16 млн. куб. метр сув тежалади. Бу эса нафақат аграр соҳада, балки экологик барқарорликда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Озиқ-овқат саноатида 30 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, қайта ишлаш ҳажми гўшт, сут, мева-сабзавот йўналишларида кескин оширилади. Халқаро стандартлар — Organic, Global G.A.P., Halal, ISO тизимларини жорий қилиш орқали экспорт имкониятлари кенгайди.

Умуман, 2026 йилда 46 давлатга 635 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Балиқчиликда 30 минг тонна маҳсулот етиштириш, форель ва осётр каби ноёб балиқ турларини кўпайтириш, балиқ иқраси ишлаб чиқариш — соҳада янги босқични бошлаб беради.

Шу билан бирга, 300 дан ортиқ фермер ва мутахассисларни хорижга ўқиш ва тажриба алмашиш учун юбориш режалаштирилган. Чунки замонавий аграр ривожланишнинг асосий қуроли — билим, инновация ва амалий тажрибадир.

Юқоридаги ишлар натижасида ҳар гектардан камида 6 минг долларлик даромад олиш, 210 мингга яқин доимий ва мавсумий иш ўрни яратиш, энг муҳими — 2026 йил якунида Тошкент вилоятини камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш мақсад қилиб қўйилган. Бу жуда катта марра, албатта.

Шубҳасиз, Президентимиз томонидан яратилаётган имкониятлар, соҳага берилётган эътибор, фермер ва деҳқон меҳнатининг муносиб эътирофи бизни янада руҳлантиради. Юксак мақсадимиз — адолатли, фаровон, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган юрда яшаш — баҳамжиҳат меҳнатларимиз орқали, албатта, амалга ошади.

Аграр соҳа меҳнаткашларига куч-ғайрат, бардавом омад, ҳосиллари сероб бўлишини тилаймиш.

Хушид ҚОРАБОЕВ,
вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари — вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи

▼ Муносабат

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши ва аниқ топшириқлари асосида Куйи Чирчиқ туманида қатор муҳим ютуқларга эришдик. Пахтачиликда ҳам, дончиликда ҳам, боғдорчиликда ҳам юксалишлар кузатилмоқда. 2024-2025 йилги ҳосил мавсумида туманимизда 36,2 минг гектар майдонда қишлоқ хўжалиги экинлари парваришланди. Фермер ва деҳқонларимиз меҳнати тўғрисида барча йўналишларда режалар тўлиқ бажарилди, айримларида эса режадан ҳам кўп ҳосил олинди.

Тўқинлик бор жойда барака бор



Дончиликда 13 минг 700 гектар ғалла майдонидан ўртача ҳосилдорлик гектарига 70-80 центнерни ташкил этиб, утган йилга нисбатан сезиларли даражада — 102,3 фоизга ўсиш қайд этилди. Пахтачиликда эса "GTG agro" пахтачилик кластери томонидан 9 минг 40 гектардан жами 40 минг 440 тонна ҳосил етиштириб, ҳар гектардан ўртача 44,7 центнердан пахта хом ашёси териб олинди, шу орқали режа 101,5 фоизга бажарилди. Бунда сув тежовчи технологиялар асосида томчилятиб сугориш ва замонавий агротехник тадбирлар амалга оширилгани ҳамда Хитой Халқ Республикасининг "Шинжон тажрибаси" жорий этилиб, 76х10 қўшқатор усулида чигит экилиши яхши самара берди.

Туманимизнинг унумдор ерларида сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида етиштирилган маҳсулотлар нафақат ички бозорни таъминлаш, балки экспортга йўналтириш имконини ҳам яратмоқда. Айниқса, дуккакли экинлар, қарам, помидор ва бодирин етиштириш ҳажми сезиларли даражада кўпайди.

Чорвачилик соҳасида наслчилик ишларини ривожлантириш, чорва моллари сонини ошириш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, аҳоли эҳтиёжлари барқарор таъминланмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли кластер ва фермер хўжаликлари фаолияти кенгайиб, юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туманда қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилаётган натижалар ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилмоқда.

Акмал ХОЛМУРОДОВ,
Куйи Чирчиқ тумани ҳокими, "Дўстлик" ордени соҳиби
Манба: xs.uz

Энг ширин байрам

Ярмаркада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 400 дан ортиқ асаларичи ҳамда 1 минг 500 га яқин мутахассис иштирок этди. Шунингдек, Россия, Хитой, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Туркиядан нуфузли меҳмонлар, илмий-тадқиқот институтлари профессорлари, олимлар ва тажрибали экспертлар ташриф буюришди.

Тадбирда вилоятимиздан ҳам бир гуруҳ асал етиштирувчилар қатнашишди. Маълумки, Тошкент вилоятининг табиий клим шариоити, турфа гуллари ва тоғ ҳавосининг мусоффолиги бу ерда етиштириладиган асалнинг сифатини оширади. Шу боис, ярмарка меҳмонлари ва харидорлар ҳудудда етиштирилган шифобахш асал турларига катта қизиқиш билдирдилар.

— 20 йилдан бери асаларичилик билан шуғулланаман, бу бизга мерос касб, учинчи авлод давомчисимиз, — дейди бўстонликлик асаларичи Саъдулла Каримов. — Ҳозирда 100 та ари қўтимиз бор. Бўстонлик тоғларидан кийик ўти, тоғ райхони нектарларини йиғиш учун ҳудуднинг энг баланд нуқталарига чиқамиз. У ерлардан

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)



нинг ҳавоси тоза, гуллар ширали, турли дорилардан ҳоли ва шифобахш. Сирдарё томонлардан эса пахта асалини йиғамиз. Йилига 2-3 тонна табиий тоза асал оламиз ва ички бозорларга етказиб берамиз. Ярмаркада учинчи бор иштирок этишим. Бу каби тадбирлар нафақат маҳсулотимизни со-

тиш, балки ўзаро тажриба ва фикр алмашиш имконини бериши билан ҳам манfaatли бўлмоқда.

С.Каримов асаларичиларга яратилаётган имкониятларни эътироф этар экан, муаммолар ҳақида ҳам гапирди. Айниқса, тоғли ҳудудларда асалари боқиш учун майдонлар қисқараётгани, пахта

экинларига кундузги вақтларда дори сепилаётгани сабабли гулга кўнган арилар нобуд бўлаётгани асал етиштирувчиларни ташвишга солаётганини айтди.

Ярмаркаи айланар эканмиз, "Асал олмасангиз ҳам, таъмини кўринг" деган таклиф эътиборимизни тортди. Ёши 70 га яқин-

лашиб қолган отахонни суҳбатга тортдик. Унинг павильонида 20 га яқин асал нави, асалари муми, прополис, турли дардларга даво асалари сутти териб қўйилган эди.

— Оддий қизиқишдан бошланган иш ҳозир асосий даромад манбаимизга айланган, — дейди Тошкент туманидан келган Баҳром

ота Қосимов. — 40 йил аввал 4 қути асаларим бўларди, ҳозир уларнинг сони 5 мингга етди. Йилига 100 тонна асал етиштирамиз. Уч ўғлим ҳам ёнимга кирган. Биз яшайдиган маҳалла Қозоғистон давлатига яқин бўлгани учун ариларни Олтой тоғларига олиб чиқиш келамиз.

Асосан кунгабоқар, оқ қурай, гречка ўсимликларининг ширасини йиғамиз. Ярмаркада бир неча йилдан бери қатнашамиз. Энг муҳими, доимий харидорларимиз бизни қутлашди. Сабаби, маҳсулотимиз сифатли, тоза ва табиий. Шу боис ҳар йили янги мижозларимиз кўпаяди ва асал буюртма қилишади.

Аънанавий "Асал байрами" кўргазма-ярмаркаси йил сайин ўз нуфузини ошириб, асаларичилик соҳасидаги ютуқлар, муаммолар ва имкониятларни бир майдонда жамлайдиган тадбирга айланиб бормоқда.

Бу йилги тадбир ҳам мамлакатимизда асаларичилик учун катта салоҳият мавжудлигини, юртимизда етиштирилаётган асал жажон бозорларида рақобатбардош маҳсулот бўла олишини кўрсатди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Меҳридин ИБРАГИМОВ
олган суратлар



РАҚАМЛАШТИРИШ – БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Олимжон Омонов, вазирилик ва вилоят бошқармасининг масъул ходимлари, шифохона ва поликлиникалар раҳбарлари, IT мутахассислар ҳамда қатор мутасадди ташкилот вакиллари иштирок этишди. Улар томонидан бугунги кун тиббиётида рақамлаштиришнинг ўрни, аҳамияти ва уни жорий этиш жараёнида учраётган муаммолар атрофича муҳокама қилинди.

Учрашувда, айниқса, Тош-

кент вилоятининг барча туман ва шаҳарларида электрон тиббий карта, онлайн ёзилиш тизими, электрон навбат, шифокорлар қабул жадвалларининг рақамлаштирилиши, тез ёрдам қабулчиларини автоматлаштириш каби йўналишларда сезиларли ўзгаришлар кузатилаётгани, бу эса ўз навбатида, аҳолининг кундалик тиббий хизматлардан фойдаланишини анча енгиллаштираётгани ҳамда шифохоналардаги навбатларни қисқартираётгани таъкидланди.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, айни кунларда тизимда рақамлаштириш ишлари юқори суръатларда давом этмоқда. Жумладан, беморларнинг барча тиббий маълумотлари ягона электрон базага уланмоқда, бу эса шифокорларга тезкор қарор қабул қилиш, беморнинг тарихини аниқ ва тўлиқ қўриш имконини беради. Шу билан бирга, диагностика ускуналарининг натижаларини онлайн тарзда қўриш, шифокорнинг ҳулосасини масофадан туриб

Нурафшон шахридаги “Cyber University”да Соғлиқни сақлаш вазирилик ҳамда Тошкент вилояти соҳа раҳбарлари иштирокида Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 сентябрдаги қарори ижросини таъминлаш, рақамли тиббиётни жорий этиш ва уни янада такомиллаштириш масалалари бўйича йирик муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди.

қабул қилиши мумкин бўлади. Бундай ёндашув тиббий хизматларнинг замон талабига мос, тезкор ва аниқ бўлишини таъминлайди.

Албатта, рақамлаштириш жараёни муаммоларсиз бўлмайди. Йиғилишда айрим тиббиёт муассасаларида интернет тезлиги етарли даражада эмаслиги, баъзи жойларда техника жиҳозлари эскиргани, ходимларнинг рақамли саводхонлиги талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Бу каби муаммоларни бартараф этиш учун қўшимча маблағ ажратиш, муассасалар инфратузилмасини янгилаш, тиббий ходимлар учун мунтазам IT ўқув курсларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Рақамли хизматларни жорий этишда ахборот хавфсизлиги масаласи ҳам алоҳида эътиборга олинди.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари ўз нутқида тиббиётда рақамлаштириш нафақат замонавий талаб, балки аҳо-

лининг ҳаётий эҳтиёжи эканини таъкидлади. Унинг қайд этишича, келгуси икки йилда Тошкент вилояти тиббиёт муассасаларини тўлиқ рақамли экотизимга ўтказиш мумкин ва бу йўналишдаги ишлар аниқ режа асосида давом эттирилади. У шифокорлар ва бошқарма раҳбарларига бундай ўзгаришлар аввало беморларга қулай, шаффоф ва тезкор тиббий хизмат кўрсатишни таъминлашни алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда жорий йил давомида фидокорона хизмат қилган, ўз иш фаолиятида намунавий натижалар кўрсатган тиббиёт ходимларга Соғлиқни сақлаш вазирининг ташаккурномалари ва эсдалик совғалари топширилди. Тиббиёт соҳасидаги бундай эътироф ходимларнинг касбга бўлган меҳри ва масъулиятини янада оширади.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

“ЧИМЁН” БОҒЛАРИ БИР БОҒЛАР БЎЛСИН...

Абдулла ҲАМИДУЛЛАЕВ, Бўстонлиқ туманидаги “Escalade biznes invest” МЧЖ раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳибига:

– Сўнгги йилларда юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасига янада катта аҳамият қаратилмоқда. Замонавий техника ва технологиялар, соҳага оид қатор имтиёзлар, фермер ва ишлаб чиқарувчилар учун кенг имкониятлар яратилаётгани – бизга эркин ҳаракат қилиш, янги ғояларни татбиқ этиш ва энг муҳими, халқимизни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда катта таъна бўлмоқда.

Маълумки, Бўстонлиқ туманида сув мўл, ер унумдор. Туманда туризм ва аграр соҳа уйғун ривожланмоқда. Хусусан, “Чимён” маҳалласида 3 минг гектар майдонда малина, қорағат, қулупнай, ўрмон ёнғоғи етиштиришни йўлга қўйдик. Лойиҳанинг умумий қиймати 60 миллион доллардан ортиқ. Бу маблағ эвазига боғлар ташкил этилади, мевани қайта ишлаш корхоналари ҳамда катта сийғимли омборхоналар қурилади.

Айни пайтда 50 гектар майдонда малина ва қулупнайнинг экспорт бўлган навлари экилган. Боғ тўлиқ томчилатиб суғорилади. Малинанинг ҳар гектаридан 400 миллион сўм, қулупнайдан эса 500 миллион сўмгача даромад оляпти.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгандан сўнг йилига 24 минг тоннага яқин маҳсулот етиштириш имконига эга бўлаемиз. Унинг катта қисми бўлган ўрмон ёнғоғи ва резаворлар экспортга йўналтирилади. Энг муҳими, 12 мингдан зиёд аҳоли ишли бўлади.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг сентябрь ойида хўжалигимизга ташриф буюрганларида лойиҳани қўллаб-қувватлаб, “Бу боғда ерга меҳр, сидқидилдан қилинган меҳнат қўриғи бўлибди. Натижа, аввало, даромад, халқимизга манфаат. Бу жиҳатлари бошқа анъанавий экинларга нисбатан бир неча баробар юқори. Шунинг учун бундай маҳсулотлар етиштиришни кўпроқ одамларга ўргатиб, даромадини кўпайтириш керак”, дея таъкидлаган эдилар.

Бунинг учун нав танлашдан тортиб, ишлов бериш, меваларни териш ва саралаш жараёнидаги замонавий ёндашув талаб этилади. Бу маҳсулотларнинг сифати ва харидоригирлигини таъминлаб, экспортда ҳам муҳим ўрин тутди. Боғ яшнаб, атрофида корхоналар ва турдош хизматлар кўпайиб, маҳаллий аҳоли ҳам узоққа кетмай шу ерда ишлайди. Шунингдек, қўшимча даромад манбаи пайдо бўлиб, ҳудуд иқтисодиёти ривожланади. Асли мақсадимиз ҳам шу.

Бу йўлда жамоамиз билан доимий изланишдамиз. Шукрки, меҳнатимиз қадр топмоқда, натижаларимиз эътироф этилмоқда. Бу бизни янги марралар сари ундайди ва вазифамизни сидқидилдан бажариш масъулиятини юклайди.

▼ Яхши хабар



Бекобод шаҳрининг “Сирдарё” маҳалласида жойлашган “Ёшлар” маркази тўлиқ қайта реконструкция қилиниб, капитал таъмирдан сўнг фойдаланишга топширилди. Тантанали очилиш маросимида шаҳар ҳокими, сектор раҳбарлари, нурунийлар ва ёшлар иштирок этишди.

Нурунийларнинг дуоларидан сўнг рамзий лента қирқилди. Иштирокчилар бинонинг янгиланган қисми билан танишиб, хоналарни кўздан кечиришди.

Эндликда замонавий ва қулай шароитларга эга мазкур марказ ёшларнинг сеvimли масканига айланди.

▼ E'lon

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 4-yanvardagi PF-5-son Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 6-fevraldagi 95-son qarori talablariga muvofiq, “Angren Bunyod Fayz” MCHJ, “Zangiota obodon” MCHJ, “Ohangaron sanitariya tozalash” MCHJ, “Rahnama Servis” MCHJ, “Toza Hudud” DM va “Zero-Waste” MCHJlar tomonidan Toshkent viloyati hududlarida qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqib ketish xizmatlari uchun 2026-yil 1-yanvardan quyidagi tariflar joriy etilmoqda.

Qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqib ketish xizmatlari uchun:

– Bir nafar aholi uchun bir oylik to'lov 9 700 so'm qo'shilgan qiymat solig'isiz, 10 864 so'm qo'shilgan qiymat solig'i bilan;

– Yuridik shaxslar uchun 1 m³ 86 890 so'm qo'shilgan qiymat solig'isiz, 97 316,8 so'm qo'shilgan qiymat solig'i bilan hisoblanganda.

НУРОНИЙЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Сўнгги йилларда юртимизда оғир тоифадаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини самарали ташкил этиш, исизлик ва камбағалликни қисқартириш, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш каби эзгу анъаналар ҳаётимизнинг муҳим қисмига айланди. Бу саъй-ҳаракатлар аҳоли ҳаётини янада фаровон ва қулай қилишга қаратилган.

▼ Эътибор

Хусусан, Бўка туманидаги “Қўлдош-тепа” ва “Навобод” маҳаллаларида “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонлари доирасида 1 минг 88 та хонадоннинг фасад қисми тўлиқ таъмирланиб, 9 та хизмат кўрсатиш объектлари замонавий қиёфага келтирилди.

– Инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 3,3 км. пйедалар йўлага қурилди, аҳолига ичимлик суви етказиб бериш учун 12 км. қувур монтаж қилиниб, 10 дон қудуқ ўрнатилди, – дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бўка тумани бўлими бошлиғи Зоҳиджон Обидов. – Бундан ташқари, 3 та сув қудуғи 30 КВт. қувватли қуёш панеллари билан таъминланди, бу эса барқарор ва экологик тоза энергиядан фойдаланиш имконини беради. 2 та қабристон ободонлаштирилди ва марказий кўчаларга 600 дан ортиқ манзарали дархат қўчатлари экилди.

Шунингдек, хавфсизликни таъ-



минлаш мақсадида кўчаларга 14 та замонавий кузатув камералари ва 72 та ёритиш чироқлари ўрнатилди. “Навобод” маҳалласи биносидан қудуқхона ташкил этилиб, минг дон бадий китоб тақдим этилди.

Бундан ташқари, 646 нафар фуқаро чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди, 20 нафар хотин-қиз турли касба ўқитилди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда маҳаллалар қиёфасини янгилаш, коммунал хизматлар сифатини ошириш, аҳолига янги қулайликлар яратиш ва ижтимоий-маънавий муҳитни барқарор сақлашда “Қўлдош-тепа” ва “Навобод” маҳаллаларининг кекса



авлод вакиллари фаоллик кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан мазкур маҳаллалардаги 20 нафар нурунийга саломатлигини тиклаш ва дам олиш имконини яратиш мақсадида Паркент туманидаги “Заркент” санаторийсига бепул йўлланмалар тақдим этилди. Нурунийлар Бўка тумани ҳокимлигида кутиб олиниб, санаторийга кузатиб қўйилди.

Тадбирда сўз олганлар нурунийларнинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, бугунги фаровон ва тинч ҳаёт учун шукроналик ҳиссини уйғотишда уларнинг фаоллигини алоҳида таъкидлашди.


Зухриддин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

▼ Фан ва технология

Мўйқалам ва бўёқлар даври тугадими?

Ўзбекистонда таълим тизимини рақамлаштириш жараёнлари сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилди. Масофавий таълим платформалари, электрон дарсликлар, мультимедиа дарслари ва замонавий IT технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу ўзгаришлар санъат таълимига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Анъанавий устахоналар билан бир қаторда эндиликда график планшетлар, рақамли дастурлар ва мультимедиа воситалари ҳам ўз ўрнини топмоқда. Бундай шароитда кўпчиликни ўйлантираётган асосий савол – анъанавий тасвирий санъатнинг асосий қуроллари бўлган мўйқалам ва бўёқлар даври тугадими?

Таъкидлаш лозимки, йилдан-йилга техникалар ривожланиб, янги дастурлар яратилаётган бўлса-да, мойбўёк, акварел, қалам каби воситалар ҳамон анъанавий тасвирий санъат таълими пойдевори бўлиб қолмоқда. Бу



йўналишда ҳар бир ранг катта маҳорат ва тажриба талаб қилади. Талаба материалнинг табиий хусусиятларини ўз кўзи билан кўради, қўли билан ҳис қилади. Шу боис санъат мактаблари ва олий таълим муассасаларида қаламтасвир, рангтасвир, композиция каби фанлар ҳануз етакчи ўқув йўналиши сифатида сақланмоқда. Бу асосларсиз мукамал рассомни тасаввур этиш мушкул.

Рақамли санъат эса бугунги кун талаблари билан уйғунлашган ҳолда янги имкониятлар эшигини очмоқда. График дастурлар орқали рангларни

тез ўзгартриш, объектларни қўчириш, хатоларни бир зумда бекор қилиш мумкин. Бундай қулайлик ижод жараёнини тезлаштириб, тажриба қилиш имкониятларини кенгайтиради. Қатламлар билан ишлаш, чексиз палитра, махсус эффектлар – булар анъанавий санъатда йўқ, аммо рақамли ижоднинг асосий устунликлари саналади. Энг муҳими, замонавий меҳнат бозори дизайнер, иллюстратор, контент яратувчи каби мутахассисларга катта эҳтиёж сезмоқда ва улардан айнан рақамли кўникмаларни талаб қилмоқда.

Бугун энг мақбул ёндашув –

анъанавий ва рақамли санъат усулларини уйғунлаштиришдир. Талабалар аввал қўлда эскиз тайёрлаб, композиция ва ҳажмини белгилайди, сўنгра уни рақамли муҳитда қайта ишлайди. Бу жараён техник маҳорат билан бирга ижодий фикрлашни ҳам ривожлантиради. Рақамли муҳит талабаларга қўрқмасдан тажриба қилиш имконини берса, анъанавий ижод уларга материалининг санъат “жони”ни ҳис қилишни ўргатади.

Мухтасар айтганда, “Мўйқалам ва бўёқлар тугади”, деган фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Улар ўз ўрнини йўқотмади, балки рақамли воситалар билан ёнма-ён яшашни ўрганди. Ўзбекистонда анъана ва инновация уйғунлашгани сари, келажак авлод рассомлари ҳам замонавий технологияларни чуқур биладиган, ҳам классик санъатни пухта ўзлаштирган профессионаллар сифатида вояга етади.

Аважон АБДУМАЖИТОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети
Тасвирий санъат ва дизайн кафедраси ўқитувчиси

Бугунги кунда электр энергиясини тежаш нафақат оилавий бюджет асраш, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Куйида ҳар бир хонадонда осон амалга ошириш мумкин бўлган оддий қоидалар билан танишинг:

1-қоида. Ёруғликдан унумли фойдаланинг

Кундузи имкон борича табиий ёруғликдан фойдаланинг. Парда ва жалюзиларни очик тутинг.

Уйдаги лампочкаларни энергия тежамкор LED лампочкаларга алмаштинг. Улар оддий чўлғанма лампаларга нисбатан 5–7 баробар кам электр сарфлайди.

Хонадан чиқар экансиз, албатта, чироқни ўчинг. Буни одатга айлантиринг! Мана шу оддий одат ойлик

Буни ҳар бир оила билиши керак!

Амаллар – оддий, натижаси – моддий

ҳисоб-китобда сезиларли тежам беради.

2-қоида. Маиший техникани тўғри ишлатинг
Телевизор, компьютер каби қурилмаларни “кутиш режими”да (standby) қолдирманг – тармоқдан узиб қўйинг. Улар барибир оз миқдорда бўлса ҳам электр сарфлайди.

Смартфон, ноутбук, планшет каби қурилмаларни тўла заряд бўлганидан кейин зарядлагични манбадан узинг. Ортада қолган адаптерлар ҳам ток ейиши мумкин.

Электр чойнакка фақат кераклик миқдорда сув қўйинг. Керагидан ортиқ сувни қайнатиш – энг катта энергия

сарфларидан бири.

Хонани иситиш учун кондиционерни 23–25°С атрофида ишлатинг. Ҳар бир ортиқча 1°С энергия сарфини 5–7 фоизга оширади.

Кир ювиш машинасини имкон қадар тўла ҳолда ишга туширинг. Ҳар бир қўшимча айланиш – ортиқча сарф.

Кир ювиш машинангизда “эконом режим” бўлса, ундан фойдаланинг. У қадар ифлосланмаган кийимларни паст ҳароратда ювса ҳам бўлади. Бу қайтанга ҳам тежамкор, ҳам матога зарар етказмайди.

3-қоида. Оқилона одатлар
Музлаткич ва газ-плита жойлашу-

виға эътибор қаратинг. Музлаткични девордан 10–15 см узоқроқ қўйинг – ҳаво эркин айланса, мотор камроқ ишлайди.

Совутгични иссиқ манбалар (газ-плита, қувур, батарея) ёнига қўйманг. Бу ҳолда у 20–30 фоиз кўпроқ энергия сарфлашга “мажбур” бўлади.

Музлаткич эшигини ҳар сафар қисқа вақтга очинг. Узоқ очик турса, қайта советиш учун яна электр талаб этилади.

Кийимларни дазмоллаш учун муайян вақт белгиланг. Ҳар бир кийимни алоҳида шошилинч дазмоллашдан воз кечинг. Дазмол бир қизиганида имкон қадар кўпроқ кийимни дазмол-

лаб олинг. Уни ҳар қиздириш жуда кўп электр сарфлайди.

Эшик ва ойна ёриқларини беркитинг – иссиқлик ёки совуқлик чиқиб кетмаслиги электрни тежашга катта ёрдам беради.

Уйда электр ҳисоблагични кузатиб бординг – бу сизни тежамкорликка ундайди.

Хулоса

Электр энергиясини тежаш катта харажат ёки қийинчилик талаб қилмайди. Оддий одатлар, тўғри фойдаланиш ва озгина эътиборнинг ўзи ҳам ойлик тўловларни сезиларли камайтиради.

Ўткир ҲОШИМОВ тайёрлади

▼ Шанба мутолааси

Тун ярмидан оққанда кузнинг этни жунжиқтирувчи намхуш шабада-си эса бошлади. Ҳавога юракни сиқиб, оғир рутубат ўрмалади. Само бағрини қоплаган булут ёғишга қийналаётгандай түп-түп бўлиб айланар, дам қуюқлашар, дам андек тарқалгандек саяз тортарди. Шунда гўё анчадан буён бир жойда маънос туриб қолгандай таассурот берадиган ой юзи очилиб, хира-шира нурлари новдалари кесилиб, ишқомга осилган ток занглари орасидан ўтиб, ҳовли сатҳини ёритиб юборарди. Ишқом остида, ҳовлининг бурчагида чоғроққина жуссали бир жонивор юзтубан бўлиб, узала тушиб ётар, оғир нафас олиб, хира тортган кўзларидан ҳаёт асари тобора сўниб бормоқда эди. Унинг боши узра дилгир кайфиятда қўлини жониворнинг дақиқа сайин совиб бораётган бошига қўйганча, аччиқ изтироб оғушида чуқур ўйга чўмиб, бир йигит мук тушиб ўтирарди. Гўё шу тобда энг яқин кишисидан ажралаётгандай ғамгин қиёфага кирганди. Эсаётган аччиқ изгирин унга таъсир этмас, аксинча бутун вужудини аланга қоплагандай, енгил хансирар, борлигини ачиниш ҳисси қамраб олганди. Жониворнинг тобора музлаб бораётган оёғини оҳиста сийпалаганча бувиси, бобоси ва ўзининг болалик кезларини хотирларди. Айни дамда умрининг энг сўнгги дақиқаларини кечираётган бу тилсиз жонивор ҳам ўзи қаттиқ ўрганиб қолган эгасини ташлаб кетишга қийналаётгандай нурсиз кўзларини юмолмас, гўё унга тўйиб олмақчидай мултирар эди.

Ёдгор жониворнинг бу шикаста ва забун аҳволидан баттар ўртанар, нарироқдаги эски стол устида ҳали замон қўшини Камолиддин амаки қўйиб кетган пичоқ билан қайроқ тошга сесканганича қараб қўяр, унга ҳар қўзи тушганида қалбини қандайдир бир ўқинч кемирарди. Бир ҳафтадирки, таргил сигир мана шу куйда ётибди. Қимир этишга мадори йўқ. Озиб-тўзиб, қоқ суякка айланган жуссаси гўё бир ҳовуч бўлиб қолгандай. Шунананги қариганки, лоақал оғзида бир дона ҳам тиши қолмаган. Ёдгор унга термулиб, бир нарсани дилида бот-бот туяди. Тавба дейди, ичида томоғига тошдек қадалаётган аччиқ ўқинччи ютолмай, фақат инсонлар эмас, ҳатто жониворлар ҳам қариб-қартайгач, тамоm юнглари оқариб кетар экан-а! Сўнгги ҳафтанинг ичида уч бор чорва шифокорини бошлаб келди. Шифокор қариб, аллақачон адоий тамоm бўлган жониворни кўргани ҳамоно эҳ-а, деб беписанд хуштак чалиб юборди:

– Узиям нақ ўттиз йил яшаб қўйган кўри-нади-ю, бу пўстак! Нима қиласиз буни, итга ташланг-қўйинг!

Ёдгор аранг ўзини босди. Тишини тишига қўйиб чидаб, индамай турди. Чорва шифокори азбаройи бу қартаг сигирни ҳеч қандай муолажа қилиб бўлмаслигига қўзи етганидан шундай деганди. Бинобарин, у сигирнинг аллақачонлар умри тугаганилигини яққол сезганди. Аммо шундай бўла туриб сўзлари Ёдгорга қаттиқ малол келганлигини англаб, аввалига бутунлай таажжубга тушди. Сўнг уни ёш бўлишига қарамай, солиқ идорасида каттагина ла-возимда ишлашидан ҳайқидми ёки йигитнинг ички изтироб ва ҳиссиётларини ўзича тасаввур этдими, ҳар қалай қўтисини очиб, бир дақиқа ўйланиб турди-да, сўнг ундан қандайдир су-юқлик олиб, жониворга уқол қилди. Шоёд салгина иштаҳага кирган куйда нафас қилди. Кейинги сафар келганида ҳам ҳудди ўша амални такрорлади. Аммо ҳаммаси самарасиз эди. Буни Ёдгорни ўзи ҳам яхши тушунарди. Биларди-ю, барибир умид қиларди. Фақат ўша уқол-лар сабабми, жонивор ўрнидан туролмас-да, қилдай бўйинини эгиб ётган қўйи бошини базўр тутиб турарди. Ҳатто икки марта Ёдгор ишшага солиб, оғзидан қуйган аталани култ-култ ютди ҳам. Мана энди бир ҳафтадирки, бошини кўтариб туришга ҳам мажболи қолмаганидан тамоm юз тубан бўлиб ётиб олди. Фақат гоҳи-гоҳида ташнади. Жони узилмаяпти, холос. Бугун эрталабдан эса қутилмаганда танаси совиб бошлади. Буни пайқаган Ёдгорнинг кайфияти бутунлай тушиб кетди. Ишга бориб бир кўринди-ю, бошлқикдан сал тобим келишмаяпти, деб рухсат олиб уйга қайтди.

Тушдан буён боши қотган одамдай талмов-сираб, ҳовлини айланеди. Дамба-дам келиб, жониворнинг тепасида қаққаяди. Унинг забун

аҳволидан қалби дилгир бўлади. Кенга томон Ёдгорни бутун ички кечинмаларини тўғри тушунадиган яккаю-ёғғиз опаси ҳам келди. Унинг ҳам узала тушиб, афтодаҳол аллозда ётган жониворга қараб, кўнгли бузилди. Азбаройи ачинганидан, мижжасига ёш қуюлди. Укасининг кўнглини кўтармоқчи, юпатмоқчи бўлди. Аммо негадир уйига қайтиб кетолмади. Етгани келганман, деб қолди. Ҳозир ичкарида Ёдгорнинг саяб-ҳаракатларидан ёзғираётган келинини дийдиёсини тинглаб ўтирибди. Ҳали шомдан кейин қўшинлари Камолиддин амаки ҳам чиқди. Ёдгорнинг елкасига меҳр билан қўлини қўйиб, оталарча яқинлик билан таъкидлаган бўлди.

– Қўй энди, болам. Ажали етса одам ўляпти, – деди тасалли бериб. – Қанонги сигир бу ахир. Аллақачон ўлиб кетарди, сени парварошинг билан тагин ҳам шунча яшаб келди.

Камолиддин амаки узоқ тараддулланиб туриб, қийналиб бўлса ҳам охири асосий бир гапни ҳам айтди:

– Менга қара, болам, бу жонивор энди қайтиб оёққа турмайди. Умри соб бўлди ҳисоб. Сен тушунадиган йигитсан. Шунга...

Камолиддин амакининг гўё бўзига алланима тикилгандай овози пасайиб сўнгги гапи синик эшитилди:



– Расми шунақа. Бўлмаса ҳаром қотади. Қара, бир ҳафтадан буён қийналиб кетди. Ёдгор ҳаммасини тушуниб турарди.

– Шунинг учун яна озгина кутайлик-чи, жон амаки, – деди бутун вужудини ачиниш ҳисси эгаллаб. – Ўзи, ўз ҳолича бўла қолсин.

– Тўғри бўлмайди-да, болам. Ҳаром қотади, ахир.

Камолиддин амаки шундай деб, ўрнидан турди. Унинг ҳам боши қотганди. Сўнг ўзи билан олиб чиққан пичоқ билан қайроқ тошни нарироқдаги столга элтиб қўйди. Чуқур уф тортди. Негадир, ах, ҳаёт-ҳаёт, деб оғир хўрсинди.

Ёдгор бу жонивордан бекорга кўнглини узоқламаётганди. У отасини ҳам, онасини ҳам танимайди. Ўшанда опаси бир ярим яшар қизалоқ эди. Онасини тўлғоқ тутганида, ҳозиргидай тун ярмидан оққанди. Шошиб қолган отаси ўз машинасида хотинини туман марказидаги туғуруқхонага элтаётиб, йўлда ҳалокатга учради. Қимдир водопровод ўтказиш учун чуқур қавлаган, бу ҳақида огоҳлантириш белгиси ҳам қўймаган экан. Катта тезликда, шитоб билан елиб келаётган машина қутилмаганда ўша чуқурликка тушиб, кетма-кет уч маротаба думалаб кетди. Отаси мажжаларан машина ичида ўша лаҳзадаёқ жон таслим қилди. Бемаҳалда тарақлаб кетган кучли сасдан уйғонган ўша атрофдаги хонадон эгалари хавотирланиб, кўчага чиқшди. Ҳўшсиз онани ҳомиладор эканлигини билгач, шифохонага етказдилар. Жарроҳлик

амалиёти чоғида фақат боланигина сақлаб қолишди. Шу тариқа она-бола юз кўриша олмадилар. Икки норасида гўдак бувиси ва буваси қўлида қолиб кетди. Ўшанда қўшинлари Камолиддин амаки Ёдгор учун чол-кампирининг илтимоси билан мана шу таргил сигирни сотиб олиб, келтириб берганди. У кезлар бу жонивор ҳам эндигина биринчи бузоқчасини туққанди. Бувиси айнан Ёдгор учун сигирни сақлашга мажбур эди. Сутини соғиб, пиширарди-да, илиқ ҳолга келгач, сўргичли шишага қўйиб, бутунлай совиб қолмаслиги учун, қўлтиги остига қистириб оларди. Уззу кун шу аллозда юрарди.

Бешиқда ётган Ёдгор очқиқиб, ғингшигани ҳамоно озгига сўргични соларди. Бола шу тариқа мана шу сигир сутти билан улғайди. Ҳамма гўдақлар ғингшиб, оналари кўкрагига талпинса, у доим бувиси қўлидаги сут тўлғазилган шишага интиларди. Ёдгор сутнинг нафақат таъмига, балки ширин исига боғланиб қолганди. Атай-чечак қила бошлаган кезлари баъзан қутишга тоқати етмай, сигир соғиб ўтирган бувисининг ёнига қадар ўрмалаб, туртини-суртини бориб қоларди. Кейин бувисининг ҳай-ҳайига қарамай, гўдақлигига бориб, жажжи қўлчалари билан сут тўла челака маҳкам ёпишиб оларди. Бошини пақирга суқмоқчи бўлар-

Шу тариқа тақдирнинг аччиқ тақозоси билан сут мурғак вужудига қанчалик кўп сингиб киргани сайин Ёдгорнинг дилида шу жониворга нисбатан ўзгача меҳр, қандайдир кучли бир интилиш ҳам уйғониб борардики, ўзи сезмаган ҳолда таргил сигирни жон-дилидан яхши кўрадиган, уни аяйдиган, соғинадиган бўлиб қолганди. Буваси Ёдгор мактабда ўқиб юрган кезларида оламдан ўтди. Бу вақтга келиб бувиси ҳам жуда кексايиб қолганди. Кампир кечаю-кундуз жойнамоз устида ўтириб, Худога илтижо қиларди. Шу иккала етимнинг тўйини кўрсат, жой-жойига қўй, унча умр бер Оллоҳим, дерди кўзлари ёшланиб. Ёдгор олий-гоҳда ўқиб юрганида ҳам бувиси шу сигирнинг сут-қатигини сотиб, набирасини келишига пул тўплаб ўтирарди. Бузоқларини улғайтириб, эвазига тўй ниятида латта-путта ҳам оларди. Бувиси ҳалқуми ҳалол, покиза табиатли аёл эди. Худо уни ниятига етказди, қиз набирасини узатди. Ёдгор ўйланиб, ўғилли бўлганидан кейин чеварасини бешикка белаб туриб, омонатини топширди. Бу вақтга келиб, таргил сигир ҳам обдон қариб-қартайиб бўлганди. Бувиси бу ёруғ оламдан кетар чоғ васият қилди:

– Сени омон қолишинга аввало Худо, қолаверса, шу жонивор сабаб, болам. Уни ҳеч қачон йўқотма, ажали етгунича ушла.

Бувисининг ўтиб кетганига ҳам мана яқин беш йил бўляпти. Шу давр ичида Ёдгор таргил сигирни бир лаҳза бўлса-да, эътиборсиз қолдирмади. Ҳар кун эрталаб барвақт туриб, биринчи оғилхонага қиради. Жониворни силаб-сийпалаб, овқатини беради. Туш пайти ҳам келиб, бирров хабар олади. Аммо энди анча йиллардан буён на бузоқ, на сут бермай қўйган сигирни хотини ёқтирмасди. Ташлаб юборинг, ҳайдаб юборинг, дея доим асабига теккани-теккан. Ўғил-қизлар ўтиб кетган ота-оналаридан қолган оддий нарсани, арзимас бир буюмни, қанчалик ардоқлаб, эъзозлаб, қўллари теккан, кўзлари тушган дея табарруқ санашади. Бу сигир бувисидан қолган яккаю-ёғғиз тирик хотира-ку! Унинг сутини ичиб, улғайган-ку, Ёдгор. Қани энди хотинига гап уқтириб бўлса!

Анчадан буён беҳол ётган ана шу жониворнинг эрталабдан аҳволи яна оғирлашди.

Қўшниси Камолиддин амаки учинчи бор хабар олгани чиққанида атрофдаги хонадонлардан хўрозларнинг қичқирғи элас-элас қулоққа чалина бошлаганди. Шунга қарамай бутун умрлари етимликда ўтган опа ва ука бир-бирларига суянгана ҳамон жониворнинг қарши-сида мунғайиб, чуқур ўйга чўмиб ўтиришарди. Ҳар иккаласининг аянчли қисматиға уларнинг гўдақлик чоғларидан гувоҳ бўлиб келаётган Камолиддин амаки ҳам ҳали мижжа қоқмаганди. Биргина шу киши тушунарди уларни. Аввал ота-онасини, кейин бува-бувидан айрилиқ, энди эса овунчоқдай тирик хотира бўлиб қолган мана бу жонивордан ҳам айрилиқ онлари яқинлашиб қолганди.

Камолиддин амаки жониворнинг энг сўнгги нафасини олаётганлигини пайқайди. Ноилжликдан аста эгилиб, стол устидаги пичоқни қўлига олди. Елкалари пир-пир учиб, жон тал-васасида ётган жониворнинг бошига энгашди. Шунда «пүф» деган енгил сас таралди-ю, заранг ер узра сўвдай жилдираган қон ой шуъласида ярқираб кетди. Таргил сигир оёқлари ни салгина тортиб, ўша заҳоти гўё енгил тин олгандай яна узатиб юборди ва оғир азобдан ҳалос бўлган каби аста-секин кўзларини юмди. Опа-ука баравар ўғирлиб, бир-бирларининг пинжилирига бошларини суқишди. Унсиз, юм-юм йиғлашмоқда эди. Камолиддин амаки келиб, уларни баравар қучоқлаб бағрига босди. Шу пайт ҳовли юқорисидagi уй эшиги шарақлаб очилди-да, хотинининг ҳайқирлиқи овози янгради:

– Э, ҳайрият-э. Бу лаънатидан ҳам қутуладиган кун бор экан-ку, а! Шу сассиқ сигирга ҳам шунчалик ёпишиб оладими? Бир ҳафтадан буён уйга қирмай шу билан овора-я. Вой, тонг отяпти, тонг!

Камолиддин амаки ўқсиб-ўқсиб йиғлаётган опа-укани маҳкамроқ бағрига босиб туриб, сўз қотди:

– Унақа деманг, келин. Сиз ҳали буларнинг қисматини яхши билмайсиз. Буни ҳаёт дейдилар, қизим.

Иброҳим ТОШЕВ



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV

(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o’rinbosari,
nashr uchun mas’ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchesi:
To’xtamudor HASANBOYEV

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 21.30.

Nashr ko’rsatkichi – 205.

Buyurtma G-1235.

2 430 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog’oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro’yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo’jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.